



2019 yil "14" октябрь № 5677

Ўзбекистон туманидаги 4р-154 "Кўқон-Яйпан-Исфара" автомобиль йўлининг Яйпан шаҳар А.Навоий-Ғалаба кўчалари кесишган чорраҳасига светофор ўрнатиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил, 15 сон, 197-модда; 2015й., 52-сон, 645-модда)нинг 5,7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 09/19/646/3508-сон)га мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибini сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғи А.Тошматовнинг туман ҳокимлигида 2019 йил 9 сентябрь куни 1160-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмасини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон)нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ИИБ бошлиғи А. Тошматовнинг туман ҳокимлигида 2019 йил 9 сентябрь куни 1160-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмаси инobatга олинсин;
2. 4р-154 "Кўқон-Яйпан-Исфара" автомобиль йўлининг Яйпан шаҳар А.Навоий-Ғалаба кўчалари кесишган чорраҳага светофор ўрнатишга рухсат этилсин;
3. "Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш" УК директори **Б.Раҳмонов**га: 4р-154 "Кўқон-Яйпан-Исфара" автомобиль йўлининг Яйпан шаҳар А.Навоий-Ғалаба кўчалари кесишган чорраҳага светофор ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;
4. "Яйпан овози" газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ўзбекистон туман ҳокимлигининг Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мутахассиси (Я. Солиев) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари И. Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев